

“Сув таъминоти ва оқава сув объектларини қурилиши бўйича ИК” УК Фарғона вилояти худудий бошқармаси бошлиғи Р.Холиқназаровга

## Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 10 июндаги 265-сонли хатингизга, Ўзбекистон Республикаси Президентинининг 2022 йил 6 июндаги “Худудларда маҳсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш ва уларни муҳандислик-коммуникатция инфратузилмаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-271 сонли қарори асосан, Боғдод тумани Каримбобо МФЙ худудидаги кичик саноат зonasини ичимлик ва оқава сув билан таъминлаш мақсадида қўйдаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

## Ичимлик сув бўйича

Боғдод тумани Каримбобо МФЙ худудида жойлашган кичик саноат зonasини  $14,4 \text{ м}^3/\text{сутка}$  ичимлик сув билан таъминлаш учун **уланиш нуқтаси**: “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ Боғдод туман бўлимига қарашли ичимлик сув манбалари мавжуд бўлмаганлиги сабабли, Каримбобо МФЙ худудида жойлашган кичик саноат зonasига 1 дона ичимлик сув қудуғи қазиш, 1 дона замонавий электр тежамкор сув насоси ўрнатиш, 1 дона сув минораси ўрнатиш, UZSUVTAMINOT логотипини бўяш, лойиха асосида ТП ўрнатиш ва икки томонлама электр энергия тармоғи тортиш, замонавий сув ва электр хисоблагичлар ўрнатиш, автоматик ўчириб ёқиш ускунаси (поплавок) ва электр авария генератори ўрнатиш, лойиха асосида ичимлик сувини заарсизлантириш биноси қуриш ва лойихага мос ускунаси ўрнатиш хамда жами узунлиги 2,0 км ичимлик сув қувури лойиха асосида қувур диаметри ва ер сатхи чукурлиги аникланиб замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиниши хамда ичимлик сув иншооти худуди СЭО ва ЖС талабларига мос равища ўралиши ва видеокузатув ва ёритиш тизимлари қуриш шарт.

## Оқава сув бўйича

Боғдод тумани Каримбобо МФЙ худудида жойлашган кичик саноат зonasини марказий оқава сув тизимига улаш учун **уланиш нуқтаси**: Худудда жамиятимизга қарашли оқава сув тармоғи мавжуд бўлмаганлиги сабабли СЭО ва ЖС билан келишилган холда лойиха асосида обьектининг оқава сувлар хажми хисоблансин хамда локал оқава сув тозалаш иншооти (ЛОС) қуриш ишлари ШНК, КМК хамда СЭО ва ЖС талабларига мос равища амалга ошириш шарт.



Ичимлик ва оқава сув тармокларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа мухандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармокларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан холоса олиш кўзда тутилсин.

Ушбу техник шартда берилган барча ишларни амалга оширишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган холда амалга оширилиши ва давлат экспертиза хulosалари олингандан сўнг, қурилиш монтаж ишлари амалга оширилсин. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув лойиха смета хужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишиш ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт. Акс холда ушбу лойиха смета хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган хисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Еарча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга бўйини шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида хақиқий деб хисобланади.

**“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ**  
**Бош мухандиси:**

**И.Абдуллаев**

**“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ**  
**ИЧБ бошлиғи:**



**С.Абдуллаев**